

АДОЛАТЛИ РАЎБАР ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ҚОЗОНАДИ



Усмукхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон
муслмонлари
идораси раиси,
муфтий.

Конституциямизнинг 1 боб 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», — деб қайд этилган.

Бош Қомусимизда ўз ифодасини топган бу ғоя — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак.

Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи вассаллом) айтдилар: «Ким бир қўналиб қолган кишининг ишини осон қилса, Аллоҳ унга дунё-ю охиратини осон қилади. Модомики, банди ўз оғи-инисига кўмак бериш пайида бўлар экан, Аллоҳ унга кўмак бериш пайида бўлади». Суюкли Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи вассаллом)нинг бу сўзларидан аниқ бўладики, инсонларга манфаат етказиш энг катта савоб экан.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номланиши кенг қамровли тушунарли ўз ичига олади. Унинг замирида давлат органларининг халқ билан муносабатларини янада мустахкамлаш, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва маъжуд муаммоларни оқилона ҳал этиш мақсадлари мужассам.

Жойларда гувоҳ бўлаётганимиз — турли даражадаги раҳбарларнинг оддий фуқаролар билан мулоқотлари ўз натижаларини берапти, уларнинг дardлари, муаммолари ечимини топишти. Бу мулоқот воситасида

барча ватандошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, бир сўз билан айтганда, жамиятда адолат қарор топишига янада кўпроқ аҳамият қаратилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ана шу йўналишдаги ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Фармонда кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, уларнинг фаолигини ошириш, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу хайрли иш Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг: «Кимки кичикларимизга раҳм қилмаса, кексаларимизнинг ҳаққини, қадр-қимматини билмаса, у муслмон умматини эмасдир», — деган ҳадиси шарифларига ҳамохандир.

Давлатимизнинг бундай эътибор ва гамхўрлиги хонадонимиз фаршталари бўлган нуронийларимиз кучига куч,

умрларига умр қўшади, уларга жуда катта руҳий мадад бўлади. Зеро, кексаларимиз хизматини қилиш, уларнинг дуосини олиш биз учун олий саодатдир.

Муқаддас қадамжоларимиз ва улуг боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш аввало, Биринчи Президентимиз томонидан бошланган эди. Ушбу хайрли ва савобли иш бугун янги кўлам ва босқичда давом этмоқда. Халқ манфаати йўлида хизмат қилиш, элнинг дуосини олиш бош мақсадга айланди.

Виртуал қабулхона ҳамда жойларда янгидан ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари орқали минглаб юрдошларимизни қийнаб келатган муаммолар ўз ечимини топти ва топаётгани бунинг яққол далилидир.

Аслида, одамлар орасида адолат билан ҳукм юргизиш, Аллоҳ таолонинг буйруғи ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай хабар берилган: «Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатини ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буорар...» (Нисо сураси, 58-оят).

Адолат билан иш юритган раҳбарга улкан ажр-муқофотлар ваъда қилинган. Шунингдек, инсонларга манфаат етказишга ҳаракат қилиш ҳам динимизда тарғиб қилинган амаллардан ҳисобланади. Бу ҳақда қўллаб-қувватлаш шарифларида хабар берилган. Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассалом: «Ким бирор мўминдан дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ ундан охират машаққатларидан бирини аритадиган. Банди, модомики, дўстига ёрдам бериш(йўли)да бўлар экан, Аллоҳ унинг мададкори бўлади», — дедилар (Имом Термизий ривоят қилган).

Ибн Умар розияллоху анхундан ривоят қилинади. Бир

киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассаломнинг ҳузурига келиб: «Аллоҳга энг севимли киши ким?» ва «Аллоҳга энг севимли амал қайси?» — деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассалом: «Аллоҳга энг севимли киши, одамларга кўпроқ манфаати тегадиган киши. Аллоҳга энг севимли амал муслмоннинг қалбига ҳурсандчилик киритиши. Ёки унинг ташвишини аритиши. Ёки қарзини ўташи. Ёки ундан очликни кетказиши. Мен бир дўстимнинг эҳтиёжи учун юришим, ушбу масжид — Масжидунабавийда эътиқоф ўтиришимдан яхшироқдир», — дедилар.

Жобир (розияллоху анхундан) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи вассалом): «Одамларнинг энг яхшиси уларга кўпроқ манфаати тегадигандир», — деб айтдилар. Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи вассалом) бу ҳадисларида инсон сўзини келтириши бежиз эмас.

Ҳадисда уларга кўпроқ манфаати тегадигани, дейилмоқда. Инсонлар бир-бири билан ҳамжihat, ҳамкор бўлсалар, уларнинг манфаати бўлади. Инсонлар одамларга аралашиб, зиёли киши ўзининг илми билан, бошқа касб эгалари ўзларининг иқтидорлари билан бошқаларга кўмакдош бўлса, яхшилик устига яхшилик бўлади.

Жойларда бораётган ислохотлар жараёни билан қиндан танишиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳаларни муҳокама этиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида муҳтарам Президентимиз вилоятларга сафарлар уюштирмоқда. Жорий йилнинг 20 январь куни Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифи чоғида «Имом эшон Мухаммад» жомеъ масжидида бир гуруҳ нуроний отахон ҳамда фахрийлар билан учрашди. Ушбу масжид атрофида муҳташам мажмуа,

кутубхона барпо этиш ва бошқа бир қатор хайрли ишларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Сурхондарё вилоятида Президентимиз Шеробод туманидаги Абу Исо Мухаммад Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ишларини кўздан кечирди, мажмуа ёнида қурилаётган 350 кишига мўлжалланган жомеъ масжид биноси бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари келгусида ушбу мажмуага Ислам оламининг машҳур олиму уламоларини таклиф этиш, хорижлик мутахассис, ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда халқаро илмий конференциялар ташкил этиш таклифини билдирди.

Шунингдек, Ислам дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларининг беиззат меросини илмий асосда чўқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуг алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келган ишларни юрдошларимизга ҳам бирдек эътибор берилиб, муаммоси ҳал этилаётгани илму маърифат аҳлини тобора яқдилликка, ғайрат, шижоатга, бунёдкорликка, илм ва ихлодга ундайди.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотлар халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаш, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон муслмонлари идораси раҳбарияти ва уламолари хайрати ҳам барча хайрли ишларда халқимиз билан бирга, елкама-елка ва ҳаммиса дуойи хайрдадир. Ҳақ таоло бутун дунёда ва юртимизда тинчлик-осойишталикни ҳаммиса барқарор ва бардавом қилсин.

Спорт

Пойтахтимиздаги Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактабида бадний гимнастика бўйича «Нарру сагаван — 2017» халқаро турнири бўлиб ўтди.

«HAPPY CARAVAN — 2017» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон ва Халқаро гимнастика федерациялари ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда мамлакатимиз гимнастикачиларидан ташқари Арманистон, Беларусь, Исроил, Латвия, Норвегия, Россия, Эстония, Қирғизистон ва Қозғистон каби давлатлардан юзга яқин гимнастикачи иштирок этди.

Нуфузли турнирнинг жамоавий кўпкураш бахсларида терма жамоамиз аъзолари Диёра Бурхонхўжаева ҳалқада 15.05 балл, Тахмина Икромова коптда 15.15 балл, Булавада 14.35 балл, Севинч Турдиева тасмада 14.15 балл тўплади. Натижада 58.7 балл тўплаган терма жамоамиз шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, «Нарру Caravan — 2017» халқаро турниридан сўнг, 21-23 апрель кунлари бадний Гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи бўлиб ўтади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон Овози» мухбири.

Реклама ўрнида



«Туронбанк» АТБ: ички назорат мустаҳкам бўлади

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан «Банкларда ички назоратни ташкил этиш юзасидан миллий қонунчилик талаблари ҳамда халқаро стандартлар» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азиз Аббосов тижорат банкларида ички назорат тизими фаолиятида халқаро стандартларни қўллаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бора-сидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ миқозларни текшириш, гуномли ёки шубҳали операцияларни самарали аниқлаш, маълумот ва ҳужжатларни расмийлаш-

тириш ҳамда сақлашни таъминлаш масалаларига батафсил тўхталиб, бу борада қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ва аниқликлар ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг катта инспектори Азизбек Халмураев эса Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 11 октябрда 2833-сон билан рўйхатга олинган «Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қўргун қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати»га киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш

ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг тижорат банкларига тегишли бандларини шарҳлаб берди. Жумладан, террорчилик фаолиятида ёки оммавий қўргун қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатини тузиш тартиби, унга шахсларни киритиш ёки чиқариш асослари ва бошқа масалалар батафсил тўхтинилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Амалий семинар унинг иштирокчиларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги билимлари ортишида ҳамда бу борада камчилик ва хатоликлар келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³. ► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³. ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

БИЗНЕС ҒОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

«Ўзмилийбанк» ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси таклиф қилади

Кредит линияси	Мин/максимал	Кредит шартлари
Корей Экономиканинг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хом ашёни қайта ишлаш учун Корейдан ускуналар харид қилиш. Кредит муддати: 5 йилгача
Хитой Давлат Тарқиқот Банкининг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналарнинг улushi камиди 50%ни ташкил этиши лозим. Кредит муддати: 5 йилгача
Коммерцбанк кредит линияси (Германия)	500 минг АҚШ долларини ёки 500 минг Евродан бошлаб	Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарни харид қилиш учун. Кредит муддати: 7 йилгача

Биз сизга ҳамкор ва мададкор!

Мурожаат учун телефонлар:
«Ўзмилийбанк» — (0 371) 235-17-02, 234-45-33
Жамғарма — (0 371) 244-35-29, 244-35-60.
Гувоҳнома №760

MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Musiliddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruksati bilan amalga oshiriladi.

г — 438

14775

nuxsada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Faxriddin PARPIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

772010743006

1 2 3 4 6